

**TIL VA ADABIYOT
TA'LIMI**



Суратда Тошкент вилояти Чиноз туманиндағи 40-мактаб она тили ва адабиёт ўқитувчысы, «Дүстлик» ордени соғыбаси, Халқ маорифи аълочиси Раъно ФОЗИЛОВА

A № 3
2011

Т

Mundarija

Metodika

Zulfiya RAYIMBERDIYEVA. Ko'p ma'noli so'zlarni o'qitish tajribasidan	3
Odil YOQUBOV. Oybek linkasini o'rganish xususida.....	6

Nutqshunoslik

Клара МАВЛОНОВА. Она тили дарсларида бадиий матнинг тил хусусиятларини ўрганиш	13
--	----

Qiyoziy nutqshunoslik

Раъно ТОЛИПОВА. Ўзбек ва рус тилларидаги сифатдошларнинг қиёсий таҳлили.....	20
--	----

Adabiyotshunoslik

Maҳмуд АБДУМАЛИК ИЙД. Ўзбек ёзувчиси Тоҳир Маликнинг «Ажаб дунё» ҳикоясини ўқиб.....	27
Иқболов АДИЗОВА. Увайсийнинг иходида анъанавийлик	34

Adabiy taqvim

Tozagul МАТЕҚУБОВА. Безовта қалб ҳарорати.....	37
--	----

Chet tilini o'qitish masalalari

Aвазжон АВЛАҚУЛОВ. Дарсларда кичик лойиҳалардан фойдаланиш	53
--	----

Abituriyentga yordam

Talmiҳ санъати	57
----------------------	----

Лафф ва нашр санъати	58
----------------------------	----

Amaliy foydalanish uchun

Alisher Navoiy haqida rivoyatlar.....	65
Mumtoz badiiyat bo'yicha test savollari	72
Lotin yozuvidagi ayrim so'zlarning imlosi.....	81
Tilshunoslik atamalarining she'riy ta'rifi.....	83

Nuqtayi nazar

Камолиддин МИРЗААҲМЕДОВ. Нарса сўзини қўллаш ҳақида	86
--	----

So'ragan ekansiz

Назира СОДИҚОВА. Ундош товушларнинг иккиланиши хусусида....	89
Раъно АҲМЕДОВА. Садриддин Айний «Эсадаликлар»идаги Латифжон маҳдум ҳақида	91

So'z mulkiga sayohat

Baҳriddin TURҒUNOB. Vaрадҳа, бустон ва кабутар сўзлари ҳақида	95
---	----

Она тили дарсларида бадий матининг тил хусусиятларини ўрганиш

Бугунги кунда она тили таълими олдига қўйилаётган асосий талаблардан бири ўқувчиларнинг нутқ маданиятини ривожлантириш ҳисобланади. Мазкур талабни амалга оширишда «Она тили» дарслекларидағи маънавий-маърифий, бадий-эстетик матнлар мухим роль ўйнайди. Лекин, таъкидлаш лозимки, аксарият машқ шартларида матининг тил хусусиятларини таҳлил қилиш эмас, балки мавзу бўйича ўрганилаётган тил ҳодисасини аниқлаш ва изоҳлаш сўралади. Дарслекдан четта чиқмай иш олиб бораётган она тили ўқитувчилари машқ шартида белгиланган топшириқларни ўқувчиларга бажартириш билан кифояланмоқдаларки, бу нарса бадий матндан нутқ маданиятини ривожлантиришда бериладиган имкониятлардан фойдаланмасликка сабаб бўлмоқда. Айрим ўз ишига ижодий ёндашадиган ўқитувчиларгина таълим олувчиларни матндан маънодош, шаклдош, зид маъноли ва бошқа сўзларни топиш ҳамда маъносини изоҳлаш билан боғлиқ юмушларга ундумоқдалар. Аён бўладики, амалиётда бадий матининг тил хусусиятларини қайси мазмунда ва қай тарзда ўрганиш масаласи муайян қийинчиликлар туғдирмоқда. Ушбу мақолада ана шу ўта долзарб муаммонинг айрим ечимларини ёритиб бериш хусусида сўз юритмоқчимиз.

«Она тили» дарслекларида тақдим этилган бадий матнлар тилига хос бўлган бўёқдор, эмоционал экспрессив, ширадор ва оҳангдор синтактик қурилмалар,

Т

шунингдек, бадий тасвир воситаларини таҳлил қилишнинг аҳамияти бенихоя катта. Бу жараён орқали ўкувчиларнинг нутқ маданийти ривожлантирилади, адабиёт дарсларида олинган билимлари кенгайтирилади, бадий асар тўқимасини англашлари ҳамда услубий қоидаларни амалий эгаллашлари учун пухта замин яратилади.

Она тили дарсларида дарсликда тақдим этилган бадий матннинг тил хусусиятлари устида ишлашда уларнинг ўрганилайдиган назарий билимларга яқин-узоқлик хусусиятига кўра турли даражада мурожаат қилиш тақозо этилади. Масалан:

- 1) бошланғич синфларда мавзуга оид ўрганилган билимлардан фойдаланиш;
- 2) 5-синфдан эътиборан ўрганилган мавзуларга доир билимларга таяниш;
- 3) ўтилаётган бўлим, ундаги бирор мавзу материаларига мурожаат этиш;
- 4) ўрганилмаган мавзуга доир тил ҳодисасини лексик планда тушунтириб ўтиш.

Она тили дарсларида бадий матн юзасидан берилган машқнинг асосий шартлари бажарилиб, парча ифодали ўқилгандан сўнг тил хусусиятларини санаб кўрсатилган йўналишлардан бири бўйича ўрганиш ишларига қисқа вақт ажратиш тақозо этилади. Ушбу жараёнда ўкувчи айрим сўз ва сўз шаклларининг бадий матнда намоён қилган гўзаллигини, нафосатини, қудратини, эмоционал-экспрессив сўз шакллари, лексик воситаларнинг аҳамиятини қадам-бақадам англаб, ўзи учун сўзнинг янги қирраларини кашф этиб боради. Юқоридаги ишларни амалга ошириш учун ўқитувчи ҳам бошланғич синфлар, ҳам 5–9-синфлар «Она тили» дастури талаобларини эътиборга олмоги даркор. Бошқача

айтганда, дарсликлардан ўрин олган бадий матнада тил воситалари устида ишни ташкил этишдан аввал ўқитувчи унда нималар ифодаланганини аниклаб олиши, сўнгра бадий қиймат ҳосил қилган қайси тил ҳодисаси борлигига қараб режа тузиб олиши лозим. Бунда ҳам бадий тасвир воситаларига, ҳам бадийликка таъсир этувчи маънодош, зид маъноли, шаклдош сўзлар, сўзларнинг ўз ва кўчма маънолари каби тил ҳодисаларига эътибор қаратиши керак бўлади. Бунинг учун эса унинг ўзи ҳам «бадий сўзни ҳис қилиши»¹ лозим.

5-синфда бошлангич синфларда ўтилган бир қатор мавзулар (айрим унлилар ва ундошлар имлоси, маънодош, шаклдош, зид маъноли сўзлар, кўшма сўзлар, жуфт сўзлар, дарак, сўроқ, бўйруқ ва ҳис-ҳаяжон гапларда тиниш белгилари) тақорланади. Ана шу билимлардан зарурлари (тегишли мисоллар бадий матнда бор-йўқлигига қараб) ўкув йили бошида ўтказиладиган бадий матн таҳлилида тилга олиниши мақсадга мувофиқдир. Масалан, 48-машқда¹ гаплардаги жуфт сўзларнинг таъсир кучига ўкувчилар диққатини қаратиш мумкин: *Temur qariyb yetmishga kirgan vaqtida ham aql-zakovatini, dovyurakligini sira yo'qotmagan edi. U yolg'on-yashiqning dushmani bo'lib, hazil uning ko'ngliga yoqmasdi* (Ibn Arabshoh). Бу жумлалардаги «*aql-zakovatini*» ва «*yolg'on-yashiqning*» сингари жуфт сўзларнинг гапда ифодаланаётган фикрга таъсир кучи ҳақида ўкувчиларнинг фикри сўралади. Ўкувчилардан уларнинг ўрнига бошқа маънодошларини қўйиб жумлани қайта ёзишини талаб қилиш ва ифодадаги ўзгаришларга эътибор қилиб, муносабатларини сўраш мақсадга мувофиқ бўлади.

Матндан унинг бадий қийматини яратишда қатнашган тил ҳодисаларининг барчасини бир йўла таҳлил

қилиш шарт әмас. Фақат ўтилаётган грамматик мавзу билан боғлиқ шаклларга әзтибор қаратиш кифоя. Шу тариқа, бир томондан, бесамар тақрорлардан қочилса, иккинчи томондан, асосий мавзунинг ўрганилиш жараёнига пурт етказмасликка ва бу жараённинг самарадорлигини таъминлашга эришилади.

Ўқитувчи она тили дарсларида ҳам дарслидан ўрин олган бадиий матнларда ёзувчи ва шоирларнинг сўз ва сўз шаклларини кўллаш маҳоратига ўқувчиларнинг әзтиборини тез-тез қаратиб турса, бу ҳам уларда ижобий фазилатлар шаклланishiга ёрдам беради. Чунончи: «Сўзларнинг турли маъноларини англаш ўқувчиларнинг ҳис этиш, идрок ва масаввур қила олиш малакаларининг даражаси билан боғлиқ, чунки сўзниг хосланган маънолари асосан ҳиссият орқали идрок этилади ва англанади».²

Бадиий матн устида ишлаганда ўқувчилар аввал уни ифодали ўқишига ундалади, сўнgra қайси гапда қандай бадиий-тасвир воситалари иштирок этаётганини аниқлашга ва шу жумлаларни таҳлил қилишга йўналтирилади. Бунда бадиий қиймат дастлаб ифодалилик нуқтаи назаридан аниқланади, яъни әзтибор фонетик ҳодисаларга қаратилади.

Бадиий қиймат ҳосил қилишда қатнашган тил ҳодисаси устида олиб бориладиган ишларни тўғри ташкил эта билиш бу жараённинг самарадорлигига гаровдир. Ўқувчидан уни топишгина эмас, балки маъноси, нима учун айни шу тил ҳодисаси ишлатилгани ҳақида ўйлаб кўриш ва гоҳида зарур хулоса чиқаришни ҳам талааб қилиш она тили таълимиминг мақсадига мувофиқ келади. «Ўқувчи тил шакли орқали асар тагмаъносига кириб бориш малакасини шакллантириш сари йўналтирилади. Бошқача айтганда, она тили дарс-

ларида асар маъно-мазмунига кириб бориш тилни ўрганишдан сўз ишлатиш маҳоратига томон қараб боради, яъни асосий эътибор матндаги тил ҳодисаларига: фонетик, сўз ясалиш, лексик, грамматик воситаларга қаратилиб, шу йўл билан образ, сюжет, ғояни англашга ўтиб борилади».³

Лексик-грамматик топшириқ бажарилганидан сўнг матн устида ишлашнинг қуйидаги турлари амалга оширилади:

- матнни ўқиш, ундаги бўёқдор ва образли сўзни (шунингдек, маънодош, зид маъноли ёки шаклдош сўзни) аниқлаш ва изоҳлаш (бошланғич синфларда ўтказилган таҳлил турларидан фойдаланиш);
- матндаги эмоционал-экспрессив воситани аниқлаш ва изоҳлаш;
- матндаги ибораларни аниқлаш ва изоҳлаш;
- матндаги айрим сўзларни маънодошлари билан алмаштириб бўлиш-бўлмаслик сабабларини тушунтириш ва бошқалар.

Юқоридаги иш турларидан сўнг ўқувчиларнинг дикқат-эътибори ёзувчининг сўз ишлатиш маҳоратига ҳам қаратилади. 5-синфда такорорий сўзлар, сўзниң ўз ва кўчма маънолари каби бир қатор мавзулар ўтилаётган пайтда уларнинг бадиий матндаги аҳамиятини кўрсатиш ишлари бажарилади. Шу тариқа дарсдан дарсга ёзувчиларнинг сўз ишлатиш маҳорати билан танишилади. Бу ишлар ўқувчиларни сўздан келгусида бажариладиган ижодий-амалий ишларда ёзувчи кўллагандек фойдаланишга ундаши табиийдир.

Бадиий матннинг (насрий ва шеърий) тил хусусиятларини таҳлил қилиш учун қуйидаги каби саволлардан фойдаланиш мақсаддага мувофиқидир: «**Ушбу матн**

A

(шөөр ёки асардан олинган парча) сизга маъқул келдими? Нимаси (ёққан ёки ёқмаган тақдирда ҳам) билан? Сиз мазкур ҳолатни қандай тасвирлаган бўлардингиз? Бундан чироилроқ ифодалаши мумкинми? Бу тасвир сизда қандай түйгуларни уйғотди? Айнан қайси ўринлар сизда шундай түйгунни қўзгади деб ўйлайсиз?» Албатта, бу саволларга синфдаги барча ўқувчилар жавоб бериши шарт эмас, лекин жавоб бера оладиган ўқувчиларнинг қобилият-иктидори ўқитувчининг диққат марказидан четда қолиши мумкин эмас.

Афсуски, 5-синф «Она тили» дарслигига «Иборалар» (175-дарс), «Тасвирий ифодалар» (176-дарс) мавзулари ўтиладиган дарсларда бадиий матн тавсия этилмаган. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу тил ҳодисалари бадиий матнда алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам навбатдаги мавзулар бўйича берилган матнлар устида ишлаш жараённида уларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва изоҳлаш талаб этилладиган машқларга эътибор билан қараш мақсадга мувофиқидир.

8-синф «Она тили» дарслигидаги 71-машқда Фарҳод Мусажонов асаридан қуидаги парча келтирилган: «*Doniyor o'n ikkinchi qavatning ayvonida o'tirib atrofni tomosha qilardi. Balandda yashash qiziq bo'lar ekan. U yerdan shaharning talay qismi, hatto olisdagি oppoq tog' cho'qqilari ham ko'rinardi.*

Doniyorlarning avvalgi uyi Eski shaharning qoq o'rtaaside edi, desa bo'ladi. Torgina jin ko'chada turishardi. Shu paytgacha xuddi quduqqa tushib yashayotganligini sezmas ekan. Mana endi «osmon-u falak»ka chiqib oldi. Balkonda o'tirib, olis-olislarни tomosha qilish mumkin. Hov ana savdo markazining muhtasham binosi, orqasida odamlar yashaydigan osmono'par uylar; yonida «Chorsu»

mehmonxonasi. Eski shahar bozorining qubbası,
«Ko'kaldosh» madrasasi...»⁴

Ушбу матнда қоқ о'тасида, «osmon-u falak»ка, olis-olislarni, muhtasham, osmono'par сўзлари бадиийликни ошириш учун хизмат қилган. Ўқувчилардан шу сўзларни таҳлил қилишни сўраш мумкин.

Бу каби ишлар ўқувчини бадиий асардан олинган кичик матнни ҳам уқиб ўқишга, сўзнинг сифими, матннинг фикрга бойлигини илғашга ва ўзида ҳам шундай бойликни тўплашга имконият яратади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, она тили дарсларида бадиий матндан ўтилаётган мавзуга доир тил ҳодисасини аниқлаш ва изоҳлаш машқлари билан ки-фояланмасдан, кўшимча равишда, муайян режа асосида уларнинг тил хусусиятларини ҳам таҳлил қилиш ўқувчиларнинг нутқ маданиятини ривожлантиришдан ташқари сўз кўллашнинг услубий қоидаларини ҳам амалий эгаллашларига имконият яратади.

Клара МАВЛОНОВА,
Низомий номидаги Тошкент давлат
педагогика университети аспирант-тадқиқотчisi.

¹ N.Mahmudov, A.Sobirov, V.Qodirov va boshq. Ona tili. Umumiy o'rta ta'lim məktablarining 5-sinfi uchun darslik. T.: Ma'naviyat, 2004. 14-b.

² Р.Сафарова. Она тили таълим мининг янгиланган мазмуни ва унинг дидактик асослари. Т.: Фан, 1995. 47-б.

³ Р.И.Альбеткова. Методические рекомендации к учебнику «Русская словесность. От слова к словесности. 6 класс». 2-е изд. М.: Дрофа, С.34–35.

⁴ M. Qodirov, H.Ne'matov va b. Ona tili. 8-sinf uchun darslik. T.: Cho'lp'on nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2006. 33-b.